

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА БАНДЛИК ДАСТУРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашга доир таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари вилоятларга ташрифлари чоғида биринчи галда ишсизлик масаласига эътибор қаратиб, уни камайтиришни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу борада барча ҳудудларда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 1 миллиондан зиёд меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, шундан 76 минг нафари ишсиз. Ҳар йили меҳнат бозорига 37 мингга яқин ёшлар кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, Бухоро вилоятини 2023 — 2025 йилларда аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш мақсади қилинган.

Бунинг учун имкониятлар етарли. Масалан, пахта-тўқимачилик ва галлачилик кластерлари. Бухорода 11 та шундай ташкилот бўлиб, улар томонидан sanoat ва қишлоқ хўжалигида 94 мингта, шу жумладан, қасаначиликни ривожлантириш орқали 19 мингта иш ўрни очилиши мўлжалланмоқда.

Маҳаллаларда sanoat, хунарамандчилик, қасаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида 57 та микромарказ, ишсизлик юқори бўлган 98 та маҳаллада кичик тикув цехларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда 15 минг гектар экин ерларини қайта фойдаланишга киритиш имконияти ҳам бор. Бу ерлар янги деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун аҳолига очик электрон танлов асосида тақдим этилади. Шунингдек, давлат активларини аукционга чиқариш, уларнинг негизида иш ўринларини қўпайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 250 мингта иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Тақдиротда Ҳиндистон билан ҳамкорликда Қорақўл туманида IT-кластер ташкил этиш лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур таклифларни маъқуллаб, қўшимча топириқлар берди.

ЎЗА.

Мулоқот

Ўзбекистон — Беларусь: ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига расмий ташрифи давомида бир қатор учрашувлар ўтказилди.

Хусусан, кеча парламент делегацияси М. Танк номидаги Беларусь давлат педагогика университетидида ушбу мамлакат таълим вазири А. Иванец ва олий таълим муассасаси ректори А. Жук билан мулоқот қилди.

Сухбат давомида икки мамлакат ўртасида таълим йўналишида ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига эътибор қаратилди.

Жумладан, педагогик кадрларни тайёрлаш, таълим жараёнларини ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш, илмий-тадқи-

қот лойиҳаларини амалга ошириш, инклюзив таълимни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари билан талабалар ва профессорлар академик алмашинуви ўзаро алоқаларнинг самарали усулларидан бири бўлиши таъкидланди.

БДПУ ректори А. Жук Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан яқин алоқалар ўрнатиш ниятида эканлигини маълум қилди.



Халқаро конференция олдида



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ГЛОБАЛ МАСАЛА

Тадбирда 30 дан зиёд мамлакатлардан вазирилари, дипломатлар, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Ислом озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлар, молия институтлари, илмий ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Аёнки, озиқ-овқат хавфсизлиги кейинги 3-4 йилдан бери халқаро ва минтақавий доираларда энг кўп

тилга олинаётган иборалардан бирига айланди. Иқлим ўзгариши, дунёдаги кескин қарама-қаршиликлар, қургўчилик, ерларнинг деградацияга учраши ва бошқа омиллар туфайли соҳада танглик юзатга келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев маҳаллий ва халқаро даражадаги анжуман ҳамда саммитларда ушбу глобал муаммо ва унинг ечимига доир илғор ташаббусларни илгари суриб келади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида Ўзбекистон Президенти ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқишни тақдир қилди.

“Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари бўлишига қарамаздан, ШХТ

доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали жиддий ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмадик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Давлатларимиз салохияти ички бозорларни бошқоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўишимиз керак”.



(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МУСТАҲКАМ МАВҚЕ, МУНОСИБ ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРГА ЭГА

Шу кунларда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан байрам тадбирлари ўтказилляпти. Уларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 31 август куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ва жаҳон

Жумадан, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси томонидан энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллиги куни муносабати билан Анкарада байрам кечаси ташкил этилди.

Тадбирда Туркия ички ишлар вазири маслаҳатчиси Хатихе Атан, Адолат ва тараққиёт партиясининг Анкара вилояти раҳбари ўринбосари Мустафа Эрдоган қатнашди.

Сўзга чиққанлар тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан табриклади. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида барча соҳада ва халқаро майдонда улкан тарақ-

қиётга эришгани таъкидланди. Бугунги кунда мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг ўзига хос имижини шакллангани эътироф этилди.

Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси, шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ ҳамда Анкара шаҳри Кечийерен тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Мустақиллик кунига бағишлаб ўзбек миллий амалий санъати кўргазмаси ташкил қилинди.

Ҳукмрон Адолат ва тараққиёт партияси депутати Зейнеп Йилдиз кўргазманинг очилиш маросимидаги нутқида меҳмонлар эътиборини туркий давлатлар ўртасидаги мада-



ний-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлигига қаратди, Туркия ва Ўзбекистон маданиятларининг ўхшашлиги ва уйғунлигини алоҳида урғулади.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 23 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 4 августда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, қонунчилик ҳужжатлари билан Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини, мазкур соҳада фаолиятни амалга оширишга доир лицензиялар берганлиги учун давлат божли микдорларини ва уни тўлаш тартибини белгилловчи, крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолият турлари сифатида майнинг ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти белгиланган ҳамда фаолиятнинг мазкур турлари лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари асосида амалга оширилиши қайд этилган. Хизматлар провайдерлари турлари сифатида крипто-биржа, майнинг-пул, крипто-депозитарий ва крипто-дўкон белгиланган.

Шу муносабат билан «Давлат божли тўғрисида»ги ва «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида лицензияланадиган фаолиятнинг янги турлари ва кичик турлари (крипто-биржа, майнинг-пул, крипто-депозитарий ва крипто-дўкон) ҳамда рухсат бериш ҳусусиятига эга ҳужжат асосида амалга ошириладиган майнинг фаолияти белгиланишини, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш масалаларига доир ваколатлари мустаҳкамланишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун крипто-активлар айланмаси соҳасини янада ривожлантиришга ҳамда мазкур соҳада лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божли тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар) 24-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олаётган юридик шахслар давлат божини Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан белгиланадиган миқдорда ва тартибда тўлайди».

(Давоми 2-бетда).



Суд-ҳуқуқ тизими: ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

Жамият ҳаётининг ҳозирги глобаллашуви, тезкор жараёни соҳаларда очиклик, ошқоралик, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда изчил ислохотлар олиб бориш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда янгича ёндашувлар жорий этишни талаб қилмоқда. Айниқса, бу ахборот алмашинуви жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларга ҳоким ахборот етказиш давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ишончлиликлни янада мустаҳкамлайди.

Мулоҳаза

Шу ўринда айтиш жоизки, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида очиклик ва шаффофликни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, бунда энг аввало, Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси, шу билан бирга, юртимизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар муҳим дастуриламал бўляпти. Чунончи, биргина “Судлар тўғрисида”ги Қонунда мамлакатимизда суд тизимини очиклиги ва унинг кафолатлари аниқ ифодаланди.

Бинобарин, ушбу ҳужжатга қўра қонунчиликда назар-

да тутилган ҳолатлардан ташқари, барча судларда ишлар очик қўрилиши, суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувини амалга ошириши мумкинлиги белгиланди. Бу, ўз навбатида, одил судловнинг оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича айрим оғриқли масалаларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тегишли фаолият соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

2) **1-илованинг 7-позицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 7.	Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия	Крипто - биржа фаолияти; майнинг-пул фаолияти; крипто-депозитарий фаолияти; крипто-дўкон фаолияти.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
---------------------	---	--	---

»;

3) **2-илова** қуйидаги мазмундаги **122-позиция** билан тўлдирилсин:

« 122.	Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома	Майнинг фаолиятини амалга ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
-----------------------	--	-----------------------------------	---

»;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

замонавий ва самарали **бошқарув усулларини** жорий қилиш ва **тиббий хизматлар сифатини** ошириш; **кадрлар салоҳиятини** ошириш, тиббий **таълим** ва **илм-фanni** ривожлантириш; **хусусий секторни** ривожлантириш ва **инвестицияларни жалб қилиш** ҳамда йирик **давлат-хусусий шериклик** лойиҳаларини амалга ошириш; тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**; **фармацевтика тармоғини** самарали тартибга солиш. 5. Қуйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига ўтказилсин: **Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги**; **2024 йил 1 январдан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси**.

6. Белгилансинки: мазкур Фармоннинг 5-бандида кўрсатилган муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига **мустақил юридик шахс мақоми** ҳамда улар фаолиятини **молиялаштиришнинг амалдаги манбалари** ва **тартибни** сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги **фармацевтика санвати** барқарор ривожланиши учун **жавобгарлиқни тўлиқ** зиммасига олади;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг кузатув кенгаши тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган етказиб берувчилар (давлат ва нодавлат)ни, харид қилинадиган тиббий ёрдамлар ҳажмини **мустақил белгилайди** ва ўз бюджетини шакллантиради;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси **2027 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан чиқади ва **мустақил жамғарма сифатида** фаолият юритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархлари **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** томонидан **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** ҳамда **Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** билан келишган ҳолда белгиланади;

соғлиқни сақлаш вазири ва **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижрочи директори 2026 йилнинг якунига қадар** тиббий суғуртанинг республика бўйлаб **тўлиқ жорий этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади**.

7. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **қуйидагиларни бирлаштириш орқали юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси**

Ўзбекистон — Беларусь:

ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

1 Мулоқот якунида таълим ҳамда фан соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Парламентлараро муносабатларнинг муҳим босқичи

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Владимир Андрейченко билан учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги, хусусан, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва тadbиркорлик соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, икки томонлама муносабатларда парламентлараро мулоқот муҳим ўрин тутади. Икки давлат парламент вакилларининг МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ва Парламентлараро

Иттифоқ каби халқро парламент ташкилотлари доирасидаги фаол ҳамкорлиги эътироф этилди.

Парламент аъзолари олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш учун барча сайъ-ҳаракатни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, Минск шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Беларусь бизнес доиралари ҳамда тadbиркор аёллар биринчи бизнес форуми, унда тadbиркор аёлларнинг фаол иштироки масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича ҳам ўзаро фикр алмашишди.

Янги шериклар излаш ва ўзаро алоқалар ўрнатиш имконияти

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги мамлакатимиз делега-

цияси Ўзбекистон — Беларусь биз-нес доиралари ва тadbиркор аёллар биринчи бизнес форуми доирасида Беларусь савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган маҳаллий ишлаб чиқариш ускуналари ва маҳсулотлари кўرғазмасига таширф буюрди.

Кўрғазмадан озиқ-овқат, тўқима-чилик, тиббиёт, таълим ҳамда туризм соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 40 га яқин маҳаллий корхоналар маҳсулотлари ўрин олди. Эътиборли томони шундаки, икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш ва тажриба алмашишга алоҳида эътибор берилиб, кўрғазма доирасида муҳокамалар ҳамда бизнес-учрашувлар ҳам ташкил этилди.

Бизнес-мулоқот майдончаларида юртимиздан Беларусга борган тadbиркорлар ва ушбу мамлакат ишбилармонлари диққати саноат ишлаб чиқаришининг асосий масалалари ҳамда ўзаро кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилди.

Мазкур тadbир доирасида озиқ-овқат санвати, таълим ва фан, туризм ва дам олиш йўналишларида тақдимотлар ҳам ўтказилди. Иштирокчилар тажриба алмашиш, янги ҳамкорлар излаш ва истиқболли алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлдилар.

Шунингдек, юртимиз экспортчи корхоналарининг маҳсулотлари “Made in Uzbekistan” ягона миллий бренди остида намойиш этилди.

Ишбилармонлар учун манфаатли майдон

Минск шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь бизнес доиралари ва тadbиркор аёлларнинг биринчи бизнес форуми бўлиб ўтди.

Тadbирда мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоғи, хусусан, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, маданий-гуманитар, шунингдек, туризм ҳамда транспорт каби соҳаларнинг вакиллари бўлган биз-

нес доиралар ва ишбилармон аёллар катнашди.

Форум доирасида ташкил этилган “Тadbиркорликдаги аёллар — Беларусь ва Ўзбекистон ўртасидаги ишбилармонлик ҳамкорлигини ривожлантириш салоҳияти” мавзусидаги ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-ти Раиси ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика кенгаши раиси кириш сўзи билан очиб берди.

Таъкидланганидек, енгил саноат соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш, илғор технологиялар алмашиш, мато, кийим-кечак, пойабзал, мўйна ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шериклиқни чуқурлаштириш ҳамда IT соҳасида алоқаларни ривожлантириш, тadbиркорлик, айниқса, аёллар учун ракамли маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқиш, хотин-қизларни рақамли иқтисодиётга жалб этиш, аёлларнинг бу борадаги савдо-хонлиги ва малакасини ошириш бўйича тажриба алмашиш икки

мамлакат ишбилармонлари учун бирдек манфаат келтиради. Шунингдек, ялпи мажлисда тиббиёт соҳасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, фармацевтика санвати-ни ривожлантириш, тиббий клас-терлар яратиш, озиқ-овқат саноа-ти, автомобилсозлик учун кимё маҳсулотлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсу-лотларини қайта ишлаш, туризм йўналишларида қўшма лойиҳалар-ни амалга ошириш бўйича фикрлар билдирилди.

Форум сўнгида якуний ҳужжат (декларация) қабул қилинди. Унда савдо-иқтисодий, инвестиция, ил-мий-техникавий, ижтимоий-мада-ний, таълим, гуманитар, туризм ва ўзаро манфаатли бошқа соҳалар-даги ҳамкорлиқни кучайтириш ма-салалари акс этди.

Шунингдек, икки мамлакат тadbиркор аёллари ўртасида “B2B” форматида ўтказилган учрашувлар натижасида 92 млн. доллар миқдо-рида 42 та шартнома ҳамда 17 та меморандум имзоланди.

«Халқ сўзи».

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ГЛОБАЛ МАСАЛА



Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашуви мутлақо ўзгартириш баъки келганини таъкидлапти.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Остонада бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш йўналишида ҳам озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигига қарши таҳдидлар ҳатари даражага етиб, кўплаб минтақаларда ижтимоий ларзалар ва беқарорлик ҳолатларини келтириб чиқараётганини, озиқ-овқат хавфсизлиги ўзаро ҳамкорлиكنинг асосий йўналиши бўлиб қолиши зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҚ макониди озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди. Шунингдек, Ўзбекистон ўз ҳамкорларини узоқ муддатли фьючерс шартномаларини тузиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, эрталашкор қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга тайёр эканлигини, галла, ёг-мой ва озуқабоп экинларнинг қафолланган тарзда етказиб берилишидан манфаатдорлигини билдирди.

Президентимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бу каби ташаббус ва тақлифлари мазкур соҳадаги муаммо ҳамда тўсиқларни бартараф этиш, тобора жиддий тус олаётган ушбу глобал масалага нисбатан таҳдидларни юмшатишда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, бугун Ер сайёрасида курғоқчилик, чўлланли, сув танқислиги каби экологик ва бошқа турли қўрқинишдаги муаммолар, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид солаётди. Муаммога доимий эътибор ҳамда ушбу йўналишдаги узоқни қўлаб амалга ошириладиган дастур ва режалар, ҳамкорликдаги сазй-ҳаракатлар хал қилувчи аҳамият касб этади. Бу эса дунёнинг турли бурчаклариди очикдан, тўйиб овқат емасликдан азият чекаётган инсонлар тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилса, ажасмас.

Хўш, озиқ-овқат хавфсизлиги нима? Озиқ-овқат хавфсизлиги — ҳар бир инсоннинг фаол ва соғлом турмуш тарзини олиб бориши учун зарур бўлган хавфсиз егуликка эга бўлиш имконияти. Шу нуктаи назардан, ушбу масала давлатнинг аграр ва иқтисодиёт соҳасидаги сиёсатининг бош мақсади ҳисобланади. Демак, озиқ-овқат хавфсизлигига интилиш бир қунилик иш эмас. У тўхтовсиз давом эттириладиган жараён. Умуман олганда, у бу борадаги ишончли истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг етарли микдорда мавжудлигини назарда тутати.

Дунёда вазият қандай?

БМТ маълумотига кўра, COVID-19 пандемияси, айрим минтақаларда кузатилаётган зиддиятлар оқибатида таъминот занжирларида кузатилаётган узилишлар, сув тақчиллиги, иқлим инқирози ва ноқулай об-ҳаво шароитлари, дунё аҳолисининг кўпайиб бораётгани, жадал урбанизация жараёни натижасида экин майдонларининг қисқариши ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш масаласини кескинлаштирмоқда. Бунинг оқибатида фавқулодда ёрдамга муҳтож 193 миллион

киши хавфсиз озиқ-овқат имкониятидан маҳрум бўлган. Демак, сайёраимизда муаммодан қиш йўллари изланмас, аниқ чоралар кўрилмас экан, очарчиликнинг олдини олиш, оналар ва болалар ўлимни камайтириш, ижтимоий хавфларни жиловлаш борасидаги мақсадларга эришиб бўлмайди. Шундоқ ҳам айрим давлатларнинг дунёга ҳўмронлик қилиш орзуси тўфайли тўйиб овқат емаслик ва озиқ-овқат етишмовчилиги глобал оламнинг “янги реаллиги”га айланди.

Хусусан, 2022 йилда Ер юзиди очарчиликда кун кўраётган 690 миллиондан 783 миллион нафаргача инсонлар бoрлиги аниқланган. Бу COVID-19 пандемияси бошланган вақтга қараганда 122 миллион кишига кўп. Сув етишмовчилиги тўфайли Африка, Ғарбий Осиё ва Кариб хавзасида очарчилик микёси тобора ортиб бораётганлиги ачинарли, албатта. Хавотирилар фақат очарчилик билан боғлиқ эмас. 2022 йилда салкам 2,5 миллиард киши, айниқса, қишлоқ жойида яшайдиган, аксарияти, аёллар ва болалардан иборат инсонлар тўйимли, хавфсиз озиқ-овқат таъминотида етишмовчиликка дуч келган. Натижада 148 миллиондан зиёд беш ёшгача бўлган болалар ёшига нисбатан бўйининг пастлигидан, 45 миллионни силласси қуришдан, 37 миллионни керагидан ортиқ семирб кетишдан азият чекаётди.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳоннинг 54 мамлакатиди оилалар моддий аҳоли даражасининг псайиши кузатилаган, 20 дан зиёд давлатлар аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналмоқда. 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқарган, сўнгги йилларда дунёнинг бир неча ўз миллионлаб аҳолиси очликдан азият чеқпаяти. Жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оқ қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу ракам 2 миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаятган мамлакатларда яшайди. Бу, албатта, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги муаммолар ва унинг хавфсизлиги билан боғлиқ жараёнлар фонидаги вазиятдир.

Ўзбекистонда ахвол қанақа?

Дунёда озиқ-овқат нархи ошиши ва танқислиги кузатилаётган бугунги шароитда Ўзбекистонда ҳам нарх-наво бир оз кўтарилиши мумкин, лекин тақчиллик ёки маҳсулот етишмаслиги ҳолати кузатилмайдди. Чўнки Ўзбекистон озиқ-овқат захираси мўл мамлакатлар сирасига қиради. Шундай бўлса-да, хотиржамликка берилмаслигимиз лозим. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ва сифатини ошириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ эмас, шу боис юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ушбу масала ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказий ўринларига қўйилди.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ушбу муҳим масалага эътибор янада кучайтирилди. Соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш борасида сўнгги йилларда ижобий натижаларга эришилди. Биргина томорқалардан унумли фойдаланиш, алмашлаб экиш, ердан 2-3 мартабала ҳосил олишнинг йўлга қўйилиши натижасида маҳсулотлар аҳолининг эҳтиёжларидан ортиб, маҳаллий ва дунё бозорларига чиқарилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар натижасида Ўзбекистоннинг Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси рейтингидидаги ўрни кўтарилиб бормоқда. Ушбу рейтингта 113 мамлакатда озиқ-овқатнинг мавжудлиги, сифати ва хавфсизлиги, шунингдек, табиий ресурслар ва барқарорлик масалалари ҳисобга олинган. Таҳлил натижаларига кўра, мазкур индекснинг 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган умумий рейтингиди Ўзбекистон 12 поғонага кўтарилди. Шу

тариқа мамлакатимиз 2019 — 2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда жадал ривожланишга эришган ўн та давлат орасида биринчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ташаббус ва тақлифлари мазкур соҳадаги муаммо ҳамда тўсиқларни бартараф этиш, тобора жиддий тус олаётган озиқ-овқат хавфсизлигига нисбатан таҳдидларни юмшатишда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда республика қишлоқ ҳўжалигини ислқ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизими тақомиллаштирилмоқда. Ишлаб чиқариши диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини тақомиллаштириш, қўлай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўлаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омиларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Аграр тармоқ —

хавфсизлик қафолати

Қишлоқ ҳўжалиги халқимиз ризқ-рўзи, иш ўринлари ва даромад манбаи, озиқ-овқат хавфсизлиги қафолати. Соҳада минглаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар, қўнatchилик ҳўжаликлари ва музлаткичи омборхоналар ташкил этилди. Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, аввало, аҳолини етарли микдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш лозимлиги қатор-қатор уқтирилмоқда. Бу бежиз эмас.

Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотларини нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40 — 50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навонинг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари қўрилмоқда. Қанчалик мураккаб бўлмассин, юртимиз қишлоқ ҳўжалигиди эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб боришмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борадаги ислқотлар бир неча йил олдин бошланган бўлиб, галла бозорини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадамлар ташланди.

Олайлик, 2022 йил 28 май куни Президентимизнинг “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилрини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан ўтган йилнинг 1 июнидан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдояни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Бу қишлоқ ҳўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам. Энди деҳқон, фермер, кластерлар ўзи етиштирган маҳсулотни бозор нархида сотиб, меҳнатига яраша даромад қўрапти.

Ютуқлар қатори

муаммолар ҳам бор

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташири қоғиди ҳам озиқ-овқат

масаласига яна бир бор эътибор қаратди. Унинг раислигида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нарх-наво барқарорлигига эришиш ҳамда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан қафоллати таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугунгидай мураккаб шароитда мамлакатимизда пахта ва галла майдонларини қисқартириш ҳисобига аҳолига деҳқончилик қилиши учун 200 минг гектар ер майдонлари ажратилди. Натижада 700 минг нафар аҳоли доимий, яна 1,3 миллион нафари мавсумий ишга эга бўлади. 90 фоиз деҳқонларнинг даромадлари кўпайди. Картошка билан ўзини ўзи таъминлайдиган туманлар 112 тага, пиёз билан — 144 та ва сабзи билан — 146 тага етказилди. Мазкур чоралар тўфайли бозор ва дўконларимиз тўқинлиги барқарорлашди, экспорт ҳажми ошди, жон бошига даромад ўсди. Қишлоқларда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилди.

Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда 94 та туман ва шаҳар ўз аҳолисининг картошкага бўлган талабини таъминлай олмайдди, 62 таси пиёз, 60 таси сабзи, 84 таси гўшт, 139 таси парранда гўшти ва туҳумни бошқа ҳудудлардан олиб келади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир масалага алоҳида тўхталиб, муаммоларнинг ечимини кўрсатиб ўтди. Пахта ва галла майдонларини қисқартириб, бу йил кузда ва келгуси йил баҳориди яна 70 минг гектар экин ерларини аҳолига тарқатиш режа қилинган. Аммо жойлардаги раҳбарлар бугунги кунгача ажратилган 200 минг гектар ердан самарали фойдаланишни тўғри ташкил қила олмаётди. Жумладан, сув таъминоти ва унмдорлиги яхши бўлмагани учун жами ерларнинг 13 минг гектари ёки 8 фоизи қаровсиз турибди.

Йиғилишда тақоррий экинлар экилиш ҳолатига тўхталиб ўтилгани сабаби ҳам шунда. Июль ойида йиллик инфляция даражаси 8,9 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлариди эса 10,7 фоизни ташкил қилди. Бу борада картошка, пиёз, ун ва ёғ маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан арзонлашгани муҳим омил бўлди. Лекин тақоррий экин экиш ишлари тўғри ташкил этилмагани боис айрим ҳудудларда сабзи нархи 52 фоизгача ошган, помидор 2 баробар қимматлашган, бодиринг нархи 1,7 баробаргача ўсган. Бундан ташқари, республика бўйича бор-йўғи 44 минг гектарга картошка тақоррий экин сифатида экилган.

Нархлар ошишига йўл қўймаслик, инфляциянинг олдини олишнинг яна бир йўли — дала четларидан самарали фойдаланишдир. Жорий йилдан бошлаб 70 мингдан зиёд фермерларнинг 60 минг гектар бўш дала четларида узум, қовоқ, қовун, тарвуз ва сабзавот экиб, қўшимча 220 минг тонна маҳсулот етиштириш, 660 минг бош парранда ва 300 минг дона асалари оиласини боқиш бўйича катта дастур қабул қилинган. Лекин айрим вилоят ва туманларда локйидлик, эътибorszилик кузатилаётгани ачинарли. Жумладан, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар Навоийда фақат 31 фоиз, Фарғонада 34 фоиз, Тошкент вилоятида 70 фоиз майдонларга экилган ҳолос. Қорақалпоғистонда 16 минг гектар дала четлари мавжуд бўлса-да, 5 минг гектар билан чекланган, Наманганда 17 минг гектар ўрнига 3,5 минг, Қашқадарёда 26 минг гектар ўрнига 12 минг, Бухорода 22,5 минг гектар ўрнига атиги 5,5 минг гектар дала четлари ўзлаштирилган. Шу муносабат билан қишлоқ ҳўжалиги комплекси раҳбарларни вилоят ва туман ҳокимлари билан бирга бўш дала четларидан самарали фойдаланиш бўйича масъулятини кучайтириши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Маҳсулдорлиқни

ошириш — долзарб

масала

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни



Хосон ПАЙДОЕВ олгон суратлар.

иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. ЯИМда тармок улushi 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоқ ҳўжалигиди ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиб, у кенг қулоч ёзаяпти. Улар билан қишлоқ ҳўжалиги ер майдонларининг 62 фоизи пахта-тўқимачиликда, 8 фоизи чорвачиликда ва 7,5 фоизи мева-сабзавотчиликда қамраб олингани бунинг тасдиғи.

Шулар қаторида соҳани янада ривожлантириш, фермерлар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш борасиди фойдаланилмаётган қатор имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси шу нуктаи назардан долзарбдир.

Сир эмаски, юртимизда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, эҳтиёж катта бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишдаги тўсиқлар, носоглом рақобат, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан импорт маҳсулотларининг монополаштирилиши, нарх-навонинг сунъий оширилиши, тақчилликнинг юзуга келиши каби бир қатор муаммолар мавжуд эди. Юқориди айтилган Фармоннинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимиз бозорларини сифатли, арзон ва хавфсиз озиқ-овқатлар билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш имконини берди.

Қўпчиликка маълумки, айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга озиқ-овқат товарларини хориждан импорт қилиш бўйича бир қатор индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, преференциялар берилган эди. Натижада давлатимизнинг миллиард сўмлаб маблағлари сарфланарди. Лекин бу амалиёт ўзини оқламади. Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти айрим субъектлар томонидан монополияга айлантирилди. Хориждан келтирилаётган шакар, қанд, ўсимлик ёғлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорда қўпийиш ҳамда нарх-наво пайсайиши ўрнига акси бўлиб қолди. Фармонга кўра, 2018 йил 1 февралдан бошлаб озиқ-овқат товарлари импорти учун бериладиган барча имтиёз ва преференциялар бекор қилинди. Пировардида истеъмол товарлари республика товар-ҳомашё биржалариди сотилимоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини пайсайтириш, сифат ва хавфсизлигини таъминлаш,

чайқовчилик ҳолатларига чек қўйиш, бюрократияни бартараф этиш, хорижий инвесторлар ва ҳамкорлар билан мунтазам мулоқот ҳамда ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасидаги барча муаммо ва сунъий говларга чек қўйилаётди.

Боз устига, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун соҳага оид қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари таркибиди озиқ-овқатлар улущининг юқори бўлишига эришиш, аграр тармоқда сувдан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш каби чораларга қўл урилмоқда. Томчилятиб сугориш етиштирилаётган озиқ-овқат таннархини пайсайтириш ва ер сифати ёмонлашшининг олдини олишга қўмаклашади. Демак, ҳосилдорлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг қўшимча ҳаҳмларидан олиннадиган фойда ҳам ошайди.

Айни чоғда деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорлиқни ошириш вазифаларини хал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ ҳўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш йўлида ҳам улкан чораларга қўл урилмоқда. Хусусан, бутун йил мобайнида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, ҳам нархларнинг мавсумий ўзгариш туришини пайсайтирадиган механизм яратиш долзарб бўлиб қолаётди. Президентимиз соҳадаги долзарб вазифаларга бағишланган ҳар бир йиғилишда янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали усулларини татбиқ этишга мутасаддиқлар эътиборини қаратапти. Боиси, 2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, ҳулқ-атвор андозалари, овқатланиш таркибининг тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улущи ўсишини таъминлаш зарур бўлади. Қолаверса, овқатланиш стандартлари ва меъерларини жорий этиш, сифат устидан назорат қилиш механизмини янада ривожлантириш лозим. Аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўрисидаги зарур ахборотни тарқатиш, бу борада тиббиёт муассасалари фаоллигини ошириш зарур. Зеро, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳаётий муҳим масала. Қишлоқ ҳўжалигиди ислқотлардан мақсад ҳам иқтисодий фойда қўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат.

Содирдин ТУРБОЖОНОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори, профессор.

Суд-ҳуқуқ тизими:

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

Суд тизими очиклигини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш бугун ҳар қачонгидан долзарб. Шу мақсадда ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада ОАВда, қолаверса, ижтимоий тармоқлардан ёлгон ахборотлар тарқалишининг олди олиномоқда.

Муҳим амалий ишлардан бири — қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг маъму-ноҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтириляпти, судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб боришмоқда. Бу аҳоли ўртасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқилишини олдини олиш, одамларнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам беришга хизмат қилмоқда. Албатта, бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш зарур.

Бундан ташқари, Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR марказ) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги аҳоли билан оқил мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиклигини ошириш йўлида қўрилган муҳим чора бўлди. Айни пайтда суд тизими матбуот қотиб-лари ёрдамиди ахборот алмашини-

вида, яъни оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда очиклик, холислик ва ишончилилик каби асосий мезонлар таъминланмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, суд жараёнида ишларнинг ошқора қўрилишини, тортишув тамойилрини тўлиқ таъминлаш мақсадида жиноий-процессуал қонунчиликка 2021 йил февралдан дастлабки эшитув инсти-тути жорий этилди.

Шу ўринда дастлабки эшитув институти қандай процессуал жараён ва унинг мақсади нималардан иборат, деган савол туғилади.

Қайд этиш жоизки, ушбу инсти-тутининг мақсади — суд мажлисида йўл қўйилиши мумкин бўлган про-цессуал қонун бўзилишларининг ол-дини олибгина қолмай, жиноят иш-ини очик суд мажлисида мукаммал қўриш учун тайёрлашдан иборатдир. Шулардан келиб чиқиб, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бу инсти-тут суд муҳокамасига тайёр-гарлик қўриш билан бирга, фуқа-роларнинг ҳуқуқ эркинликлари ти-кланишига, уларнинг суд ва тергов органлари идораларида беҳуда вақт сарфлашига барҳам беришга, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун давлат томонидан ажратилган маблағлар мақсадсиз йўналтирилишининг олдини олиш-га хизмат қилиши билан аҳамият-лидир. Айни пайтда процессуал муддатлар сабабсиз чўзилишининг олдини олиш натижасида қонуний ва асосли қарор қабул қилиниши-

га замин яратадиган босқич сана-лади.

Айтиш керак, бугун дастлабки эшитув амалиётидан қўлаб мамла-катлар самарали фойдаланиб кел-моқда. Айрим давлатларда судьянинг дастлабки эшитув борасида қабул қилган қарори устидан шикоят бе-риш ҳуқуқи мавжуд эмас. Миллий қонунчилигимизда дастлабки эшитув институти амалиётга жорий этилган-ни баробарида, фуқароларнинг ши-коят келтириш билан боғлиқ ҳуқуқла-ри ҳам таъминлангани диққатга са-завор. Чўнки шикоят қилиш ҳуқуқи шахсоннинг конституциявий ҳуқуқла-ридан биридир. Шу жиҳатдан, мамла-катимизда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга усту-вор аҳамият қаратилмоқда.

Мухтасар айтганда, сўнгги йиллар-да суд-ҳуқуқ йўналишида ҳаётга та-тбиқ қилинаётган муҳим ҳаётий чора-тадбирлар ушбу тизимни тақомил-лаштириш, уни халқаро стандартлар-га, очиклик ва адолатлилик тамойил-лигига янада яқинлаштириш йўлида долзарб аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, одамларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамляпти. Албатта, буларнинг барчаси пирова-рдиди янги Ўзбекистонда одил суд-ловни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари-ни изчил қафоллатлаш, судлар фа-олиятдан халқимизни рози қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Одилжон ТОҶИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ТАДБИРКОР ВА ИНВЕСТИОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Тадбиркорлиқни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши санала

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МУСТАЎКАМ МАВҚЕ, МУНОСИБ ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРГА ЭГА

22 август куни **Дубайдаги** “Андакулова Gallery” ва “Legends” арт-клубида ўзбекистонлик таниқли рассом Темур Аҳмедовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди.

Кўргазма ватандошимиз Наталья Андакулова томонидан Ўзбекистон Бош консуллиги кўмағида ташкил этилди. Суратлар экспозициясида инновацион усуллар қўлланган. Санъат асарлари ва уларнинг яратилиш жараёни рақамли экранда намойиш қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг **Варшавадаги** элчихонаси Польшадаги “Ўзбекистон ёшлар клуби” билан биргаликда Мустақиллик кунига бағишлаб футбол мусобақасини уюштирди. Унда Варшава ва Вистула университетлари, “WSB Nippan Sciences” академияси талабаларидан, шунингдек, ушбу мамлакатда вақтинча ишлаётган ватандош ёшлардан тузилган жамоалар қатнашди. Турнир якунида барча иштирокчиларга элчихона номидан фахрий ёрлиқлар топширилди. Спорт ва маданий-маърифий тадбирлар юртдошларимизни бирлаштириб, уларга Ўзбекистонда кечаётган жараён ва воқеалар юзасидан ҳолис маълумот бериш ва фикр алмашиш имкониятини яратётгани таъкидланди.

4 сентябрь куни Ўзбекистоннинг **Сеул** шаҳридаги элчихонаси томонидан расмий қабул уюштирилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён дунёнинг барча ривожланган давлатлари, жумладан, Корея Республикаси билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани, бунинг натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилгани қайд этилди.

— Ўзбекистон мустақиллик даврида барча соҳада тараққиётга эришди, — деди Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Лим Су Сук. — Айниқса, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат натижасида халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўзига хос имижини шаклланди. 1992 йилда ўрнатилган дипломатик муносабатларимиз икки мамлакатнинг мустақам ишонч ва дўстликка асосланган алоҳида стратегик шериклар сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада жипслаштириши учун мустақам пойдевор бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек, Ўзбекистон раҳбари олиб бораётган аниқ ва конструктив сиёсат натижасида Марказий Осиё минтақасида бутунлай янги ишонч ва ўзаро англаш муҳити шаклланиши, шунингдек, дунёнинг қатор давлатлари билан алоқалар сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилганини таъкидлашди.

Бундан ташқари, байрам арафасида “Жанубий Кореядаги ўзбекистонликлар уюшмаси” Ўзбекистон элчихонаси кўмағида Кванжу шаҳрида тантанали тадбир ташкил этди.

2 сентябрь куни **Нью-Йорк** шаҳри-

нинг Уолл-стрит молиявий марказида мамлакатимиз Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон давлат байроғини тантанали кўтариш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Нью-Йорк шаҳри мери Эрик Адамс, шаҳар сиёсий доиралари ва ўзбек диаспораси вакиллари, шунингдек, бутун дунёдан келган сайёҳлар қатнашди.

Ўзбекистон мадҳияси садолари остида байроғимиз баланд кўтарилди. Маросимда сўзга чиққанлар бугун Ўзбекистоннинг дунёга очилаётгани, юксак даражада ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаётгани, халқаро тузилмалар доирасида ҳам муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлашди.

“Юртингизнинг гўзал тарихини жуда яхши биламиз. Қолаверса, унинг маданияти, аъёна ва қадриятлари ҳам жуда машҳур. Шунингдан, Нью-Йорк марказида Ўзбекистон байроғини кўрар эканмиз, у барчангизни Ватанингизни ёд этиш ва унга муносиб бўлишга чор-

мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган жадал ва кенг қамровли ислохотлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Байрам дастури доирасида ўзбек миллий унармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, юртимиздан ташриф буюрган таниқли эстрада хонандалари томонидан ижро қилинган куй ва қўшиқлар байрамнинг юқори савияда ўтишини таъминлади.

Тадбир давомида “Ватандошлар” жамоат фонди ва “Сан-Франциско кўрғазидagi ўзбекистонликлар жамияти маркази” ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, Сан-Францискода истиқомат қилаётган фаол юртдошларимизга фонднинг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Нью-Йоркдаги “Кайзер” боғида “Mahalla USA” ўзбек жамоат бирлашмаси ташаббуси билан мамлакатимиз-



лаши табиий. Марказий Осиёнинг энг ривожланган мамлакат сифатида доимо тараққий этиб боришини тилаб қоламиз”, деди Нью-Йорк шаҳри мери Эрик Адамс.

Тантаналар давомида ўзбек диаспораси бадиий жамоалари томонидан тақдим этилган маданий дастур ҳамда ўзбек миллий либослари намойиши тадбирга байрамона хушқайфият улашди.

Калифорния штатининг Сан-Франциско шаҳрида ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги кенг байрам қилинди.

29 август куни **Сан-Франциско** шаҳрида жойлашган “Golden Gate” боғида “Сан-Франциско кўрғазидagi ўзбекистонликлар жамияти маркази” ҳамда мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси ва “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан истиқлол айёми тантаналари бўлиб ўтди.

Маросим ташкилотчилар ва Ўзбекистон делегациясининг байрам табриклари билан бошланди. Иштирокчиларга ўзбек халқининг бой маданияти, тарихи, урф-одат ва аъёналари ҳамда

нинг Бош консулхонаси ва “Ватандошлар” жамоат фонди ҳамкорлигида футбол бўлими аъёнавий “Мустақиллик кубоғи — 2023” мусобақаси ва катта байрам сайли уюштирилди. Футбол бўлимида турнирда АҚШнинг 10 та штатидан келган ватандошлардан тузилган 15 та жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

27 август куни эса мамлакатимиз мустақиллик кунига бағишланган халқ саййилари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда АҚШнинг турли штатларидан келган юртдошларимиз, Нью-Йорк шаҳри сиёсий доира вакиллари, жумладан, шаҳар мери Эрик Адамс, штат сенати лойиҳа директори Зунара Аҳмед, шаҳар Кенгаши депутатлари Виллиам Колтон, Ари Каган, Махали Новахов, Алекс Брук-Красний, шунингдек, маҳаллий аҳоли ва турли миллат вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз истиқлолининг ўттиз икки йиллигига бағишланган сайлда, шунингдек, учта дошқозонда ўзбек миллий таоми — палов тайёрланди.

31 август куни Ўзбекистоннинг **Куала-Лумпур**даги элчихонасида юртимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги

муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Дипломатик ваколатхона раҳбари Равшан Усмонов ўз сўзида иштирокчиларни байрам билан самимий қутлаб, сўнгги йилларда республикамизда барча жаҳдада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, миллатлараро товулш ва диний бағрикенгликни таъминлаш, бой маданий мерос ва туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, ўзбек тилини ривожлантириш йўналишларида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида афтоқлича тўхталиб ўтди.

АҚШ пойтахтида ҳам мамлакатимиз истиқлолига бағишланган байрам тадбирлари кўтариш руҳида бўлиб ўтди.

Ушбу сана муносабати билан **Вашингтон** мэри Мюриэль Баузер 1 сентябрни АҚШ пойтахтида “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги кунини” деб расман эълон қилди.

Махсус декларацияда АҚШ пойтахти мэри Ўзбекистонда Мустақиллик кунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган. Ва Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олгани қайд этилган. Мэрининг баёноти ушбу куннинг аҳамиятини эътироф қилибгина қолмай, балки ўзбек жамоаларининг Вашингтоннинг “бой хилма-хиллиги, маданияти ва аъёналарига” берадиган қадриятини урғулайди.

Ҳужжатда Ўзбекистон элчихонаси икки томонлама муносабатларга янги динамизм бахш этгани ва АҚШ пойтахтидаги “дипломатик ҳамжамиятнинг фаол ва акрлмас қисми”га айлангани алоҳида таъкидланган.

Шу йил 31 август куни **Остона** шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишлаб “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон Президенти Администрацияси ходимлари, Ҳукумат ва парламент аъзолари, Конституциявий суд, вазирилр ва идоралар, илмий ва академик муассасалар вакиллари, экспертлар, журналистлар, дипломатлар, ўзбек миллий маданий марказлари фаоллари, шунингдек, Қозоғистонда таҳсил олаётган ҳамда вақтинча меҳнат қилаётган ватандошлар иштирок этди.

Элчи Саидмуром Нибёзжўаев меҳмонларни қутлаш бораберида мамлакатимизнинг замонавий тараққиётга, турли йўналишларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари ва истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда Қозоғистон миллий иқтисодиёт вазирлиги Аликбек Қуандиқов Ўзбекистон халқини байрам билан табриклади ва сўнгги йилларда икки давлат муносабатлари жадал ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

1 сентябрь куни Остона шаҳрининг “Нур Алиев” доираси ва “Қозоғистон темир йўллари” ташкилотининг бош биноси Ўзбекистон миллий байроғи рангларига бурканди.

Шунингдек, 1 сентябрь куни дунёдаги энг баланд бино — **Дубайдаги** Бурж-Халифа Ўзбекистон давлат байроғи рангларида ёритилди.

Шу куни Ўзбекистоннинг БААдаги элчихонаси ва Дубайдаги Бош консуллиги, “Uzbekistan Airways” АЖ ваколатхонаси ва Ўзбек диаспораси фаоллари билан ҳамкорликда “Хива” ресторанида Мустақиллик куни муносабати билан байрам кечаси уюштирилди.

Мамлакатимиз Бош консуллиги **Томск** вилоятидаги “Дўстлик” ўзбек жамоат бирлашмаси билан биргаликда Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан расмий қабул ташкил қилди.

Тадбирда Томск вилоятида доимий ва вақтинча яшаётган фаол юртдошларимиз, ўзбекистонлик талабалар, вилоятдаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Томск давлат архитектура-қурилиш университети ректори Виктор Власов ўз сўзида сўнгги йилларда мамлакатимиз нафақат савдо-иқтисодий хабга, балки Марказий Осиёнинг илмий, маърифий ва маданий марказига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг **Москвадаги** элчихонасида ҳам ушбу қутлуг сана муносабати билан расмий қабул бўлиб ўтди. Тадбирда Россия Президенти Администрацияси вакиллари, парламент аъзолари, тегишли вазирилрлар раҳбарлари, олий ўқув юртлири ректорлари, академик ва маданий-гуманитар доира вакиллари, дипломатлар, шунингдек, ватандошлар иштирок этди.

Меҳмонларни қутлар экан, элчи Ботиржон Асадов Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётга, мамлакатимизда барча йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон — Россия муносабатлари ва истиқболлари ҳақида гапирди.

Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Михаил Галузин ўз чиқишида халқимизни байрам билан табриклаб, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бишкекда 1 сентябрь куни Мустақиллик куни ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали байрам кечаси уюштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Адилбек Қасималиев Қирғизистон ҳукумати номидан Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан самимий қутлади. У мустақиллик йилларида қардош Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жамиятини уйғун шакллантириш ва иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграциялаштиришда улкан муваффақиятларга эришганини қайд этди. “Ўзбекистон бугун қучли ва барқарор давлат ўлароқ ўз иқтисодий раванқини йўлида қомил ишонч билан одимламоқда. У халқаро майдонда мустақам мавқе, муносиб ҳурмат ва эътиборга эга эканлиги, мамлакатнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги

муваффақиятли фаолияти ҳам бундан далолат беради”, деди Адилбек Қасималиев.

Душанбеда Ўзбекистон Мустақиллик кунига бағишланган байрам тадбирлари 1 сентябрь куни ўтказилди.

Унда Тожикистон Бош вазирининг ўринбосари Сулаймон Ризои Зиёзода, саноат ва янги технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари Исожон Ятим Қурбонзода, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Содик Имомий, маданият вазирининг ўринбосари Манучеҳр Шарифзода, шунингдек, дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, етакчи ОАВ бош муҳаррирлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи ҳамда мамлакатимиз тарихий шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига бағишланган видеофильмлар намойиш қилинди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг аъёнавий меҳмондўстлигини урғулашди. Иштирокчилар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталари янада мустақамлашиб, ривожланиб бораверадиган, деган яқдил фикр-ни билдирди.

Мамлакатимизнинг **Екатеринбург** шаҳридаги Бош консулхонасида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган расмий қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Свердловск ва Челябинск вилоятлари раҳбарлари ва Россия ТИВ вакили Ўзбекистон билан муносабатларнинг ривожига ҳисса қўшаётган лойиҳалар ҳақида маълумот бериб, Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклади.

Байрам тадбири таниқли эстрада хонандалари томонидан ижро қилинган куй ва қўшиқлар билан давом этди. Ўзбек ва рус тилларида янграган қўшиқлар тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

2 сентябрь куни мамлакатимизнинг **Бангкок** шаҳридаги Бош консулхонасида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан Таиланд, Лаос ва Камбоджа ҳудудида яшаётган, меҳнат қилаётган, таълим олаётган ватандошлар ва хорижий фуқаролар иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

Унда хориждаги ватандошларимизнинг Ватанга садоқат ва меҳрга йўғрилган самарали меҳнатлари орқали Ўзбекистон мустақиллигини янада мустақамлашга, унинг ривожини ва тараққиётини йўлида ўз ҳиссасини қўшаётгани эътироф этилди.

Тадбир иштирокчиларига Президент Шавкат Мирзиёевнинг 31 август куни “Янги Ўзбекистон” боғида ўтган давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқининг видеоёзуви кўрсатилди.

Мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Мустақиллик куни муносабати билан уюштирилаётган байрам тадбирлари давом этмоқда.

«Дунё» АА.

Сенатор ва ҳаёт

КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Бугун мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида барча саяй-ҳаракатлар сафарбар этилган. Бу борада белгиланган вазифалар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, аҳоли билан мунтазам равишда мулоқот қилиш, зарур ҳолатларда маҳаллий давлат органларига қўмаклашиш юзасидан Олий Мажлис Сенати аъзолари мунтазам равишда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда амалий ишларни олиб бораётди.

Хусусан, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида ижтимоий соҳа объектларини ўрганди.

Жумладан, 2 ва 285-умумтаълим мактаблари, маҳаллалардаги инфратузилмалар, ички йўллар, пибдаларга яратилган шарт-шароитлар билан таъминланганлик ҳолатини кўздан кечирди.

Ўрганишлар давомида аниқланишича, 2-мактаб 2,2 коэффицентда, яъни икки сменада фаолият олиб боради. Синфхоналар, шунингдек, тўғарақлар фаолияти учун имкониятлар етарли эмас. Спорт зали эса ўқувчилар сонига нисбатан кичик.

Шу билан бирга, сенатор ва депутатлар 285-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, бу ердаги шарт-шароитлар билан танишди, ўқувчи ёшлар билан сўхбатлашди.

Мактабларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан сенатор Гулнора Маъруфова маҳаллий давлат органлари масъуллалиги ўзининг тегишли тавсияларини бериб, республика миқёсида ҳал қилинадиган

муаммолар эса қўмита мажлисларида кўриб чиқилишини қайд этди.

Бундан ташқари, сенатор “Янги гулзор” ва “Янги Чоштепа” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидagi тураржойларга ўрнатилган “яшил” энергия манбаларининг ишлаш ҳолати билан танишди.

Ўрганишлар давомида маҳаллалардаги ижобий ўзгаришлар билан бирга, қатор муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, “Янги Чоштепа” МФЙ аҳолиси учун Тошкент халқа автобонд йўлига чиқишда пибдалар учун ер усти ўтиш йўлига қуриб битказилгани ўқувчи ёшлар ҳамда болали аёллар учун айна муддао бўлгани алоҳида эътироф этилди.

Аммо “Янги гулзор” МФИда ичимлик суви ва электр таъминоти, ички йўллар, симёғочларни бетон устунларга алмаштириш, кўчаларни ёритиш, оилавий врачлик пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммолар борлиги ҳам аниқланиб, парламент назоратида олинди.

Сенаторларнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорлиқдаги бу каби ўрганишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида олиб боришмоқда.

«Халқ сўзи».

МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНСА, БИЗНЕС РИВОЖЛАНАДИ

Мулк дахлсизлиги ҳар кимнинг ўз бойлиқларига эғалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқига эга экандир. Бу ҳуқуқ одамларга ўз мулкидан қандай фойдаланишни эркин танлаш имконини беради ва қонун олдида тенгликни яратди. Қолаверса, мулкдор ўз мулки ишончли ҳимоя қилинишига ишонсагина инвестиция қиритади. Тадбиркор бизнесини ривожлантиришга бор вужуд билан ҳаракатда бўлади. Демак, ҳам мулкдор, ҳам давлат иқтисодиёти ривожланади.

Фикр

Юртимизда сўнгги йилларда тадбиркорлар ҳуқуқлари янада кенг ҳимоя қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Соҳа эгаларининг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилаётгани, қўлаб имтиёз ва енгилликлар берилаётгани уларни руҳлантирибгина қолмай, иқтисодиётимизнинг ривожини, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яратилаётган қулай имкониятлар туфайли кейинги олти йилда тадбиркорлик субъектлари сонини 6 баробар қўпайиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Даромади 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар сонини 26 минг нафарга, 220 нафар тадбиркорнинг даромади эса 100 миллион долларга етди.

Тан олиш керак, ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар ва қўрилаётган чораларга қарамадан, ҳусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ муаммо ва низолар мавжуд эди. Хусусан, давлат органи мансабдор

шахснинг ноқонуний қарори асосида ҳусусий мулкни “снос” шаклида олиб қўйиши, мулкдорга этказилган зарарини қопламаслиги, асоссиз вазилар билан қўчмас мол-мулкни бузиш кабилар мулкдорларнинг ҳақиқи эътирозларига сабаб бўлаётганди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, жумладан, янги тахрирдаги Конституциямизга ҳаётбахш нормаларнинг жорий этилиши туфайли мулк ҳуқуқи кафолатлари, судларда уларнинг ҳимояси ва дахлсизлигини таъминлаш мустақамлашди. Жумладан, Конституцияда илк маротаба ер ҳусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилди. Ушбу норма Асосий Қонундаги ҳақиқий иқтисодий янгиликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларидagi бўлишини тўлдириди.

Шу билан бирга, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарафда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, мабодо, маҳрум қилинган тақдирда мулкдорга уй-жойнинг ҳамда у қўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда

тенг қийматда қопланиши таъминланиши белгиланди.

Бунда уй-жой мулкдорларига нисбатан 2 турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланди: суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда компенсация олиш кафолати. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқидан суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини аналтади. Бунда суд томонидан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда қўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда асоссиз равишда мулк ҳуқуқидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Иккинчи кафолат, яъни уй-жойдан маҳрум қилинганда компенсация олиш кафолати мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эътиборга молиқ. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорни шу уй-жой ва этказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Бундан ташқари, суд орқали ҳусусий мулк ҳимояси ва дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ҳусусий мулкка эғалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита қечлашни назарда тутувчи, мулкни муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини амалда тўлиқ қўллашга тўсиқ бўлувчи тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Хусусан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш амалиётига чек қўйилди. Ушбу ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланди.

Умуман олганда, Конституцияда мулкдорларнинг мулк дахлсизлиги тамойилларининг мустақамлашгани уларнинг мол-мулкни ўзбошимчилик билан қонунга ҳилоф равишда тортиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳолатларидан ҳимоя этилишини таъминлайди. Бу мулкдорларнинг ўз мулкига эғалик қилиши ва улардан фойдаланиш учун замин яратиб, давлатга бўлган ишончини мустақамлашди. Зеро, мулкни муҳофаза қилиш тадбиркорлигини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишининг зарур шартидир. Тадбиркорлар ва инвесторлар ўз мулкларини қонун билан ҳимоялашишга ишонч пайдо бўлсагина дадил одимлайди. Бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига хизмат қилади.